

ISSN:2181-1458

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIV VA O‘RTA MAXSUS
TA‘LIM VAZIRLIGI**

**NAMANGAN DAVLAT UNIVERSITETI
ILMIY AXBOROTNOMASI**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**

**SCIENTIFIC BULLETIN OF
NAMANGAN STATE UNIVERSITY**



namdu.uz ilmiy@inbox.uz

[Namdu_ilmiybolim](#)

ISSN:2181-0427

2022

4



Бош муҳаррир: Наманган давлат университети ректори С.Т.Тургунов

Масъул муҳаррир: Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор М.Р.Қодирхонов

Масъул муҳаррир ўринбосари: Илмий тадқиқот ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиги Д.Дехқонов

ТАҲРИРҲАЙЪАТИ

Физика-математика фанлари: акад. С.Зайнобиддинов, акад. А.Аъзамов, ф-м.ф.д., доц. М.Тўхтасинов, ф-м.ф.д., проф. Б.Саматов. ф-м.ф.д., доц. Р.Хакимов, ф-м.ф.д. М.Рахматуллаев.

Кимё фанлари: акад.С.Рашидова, акад. А.Тўраев, акад. С.Нигматов, к.ф.д., проф.Ш.Абдуллаев, к.ф.д., проф. Т.Азизов.

Биология фанлари: акад. К.Тожибаев, акад. Р.Собиров, б.ф.д. доц.А.Баташов, б.ф.д. Н.Абдурахмонов.

Техника фанлари: - т.ф.д., проф. А.Умаров, т.ф.д., проф. С.Юнусов.

Қишлоқ хўжалиги фанлари: – г.ф.д., доц. Б.Камалов, к-х.ф.н., доц. А.Қазақов.

Тарих фанлари: – акад. А.Асқаров, с.ф.д., проф. Т.Файзуллаев, тар.ф.д, проф. А.Расулов, тар.ф.д., проф. У.Абдуллаев.

Иқтисодиёт фанлари: – и.ф.д., проф.Н.Махмудов, и.ф.д., проф.О.Одилов.

Фалсафа фанлари: –ф.ф.д., проф. М.Исмоилов, ф.ф.н., О.Маматов, PhD Р.Замилова.

Филология фанлари: – акад. Н.Каримов, фил.ф.д., проф.С.Аширбоев, фил.ф.д., проф. Н.Улуқов, фил.ф.д., проф. Ҳ.Усманова. фил.ф.д., проф. Б.Тухлиев, фил.ф.н, доц.М. Сулаймонов.

География фанлари: - г.ф.д., доц. Б.Камалов, г.ф.д., проф.А.Нигматов.

Педагогика фанлари: - п.ф.д., проф. У.Иноят, п.ф.д., проф. Б.Ходжаев, п.ф.д., п.ф.д., проф. Н.Эркабоева, п.ф.д., проф.Ш.Хонкелдиев, п.ф.д., проф Ў.Асқарова, п.ф.н., доц. М.Нишонов, PhD П.Лутфуллаев.

Тиббиёт фанлари: – б.ф.д. Ғ.Абдуллаев, тиб.ф.н., доц. С.Болтабоев.

Психология фанлари – п.ф.д., проф З.Нишанова, п.ф.н., доц. М.Махсудова

Техник муҳаррир: [Н.Юсунов](#)

Таҳририят манзили: Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй.

Тел: (0369)227-01-44, 227-06-12 **Факс:** (0369)227-07-61 **e-mail:** ilmiy@inbox.uz

Ушбу журнал 2019 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсати қарори билан физика-математика, кимё, биология, фалсафа, филология ва педагогика фанлари бўйича Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатида киритилган.

“НамДУ илмий ахборотномаси–Научный вестник НамГУ” журнали Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг 17.05.2016 йилдаги 08-0075 рақамли гувоҳномаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (АОКА) томонидан 2020 йил 29 август куни 1106-сонли гувоҳнома га биноан чоп этилади. “НамДУ Илмий Ахборотномаси” электрон нашр сифатида ҳалқаро стандарт туркум рақами (ISSN-2181-1458)га эга НамДУ Илмий-техникавий Кенгашининг 11.04.2022 йилдаги кенгайтирилган йиғилишида муҳокама қилиниб, илмий тўплам сифатида чоп этишга рухсат этилган (**Баённома № 4**). Мақолаларнинг илмий савияси ва келтирилган маълумотлар учун муаллифлар жавобгар ҳисобланади.



Адабиётлар

1. Faulkner, W. "The Sound and the Fury" Vintage International, A Divivision of Random House, Inc. New-York, 1990. 3 бет
2. Lawrance Thompson, "Mirror Analogues in *The Sound and the Fury*," in Frederick J. Hoffman and Olga W. Vickery (eds.), *William Faulkner: Three Decades of Criticism* (New York: Harcourt, Brace, and World, 1963), 223 бет
3. Lawrance Thompson, "Mirror Analogues in *The Sound and the Fury*," in Frederick J. Hoffman and Olga W. Vickery (eds.), *William Faulkner: Three Decades of Criticism* (New York: Harcourt, Brace, and World, 1963), 214 бет
4. Peter Swiggart, "Time in Faulkner/' *Modern Fiction Studies*, I (May, 1955), 26 бет
5. Cleanth Brooks, *William Faulkner: The Yoknapatawpha Country* (New Haven: Yale University Press, 1963), 329 бет
6. Ernst Cassirer, *An Essay on Man: An Introduction to a Philosophy of Human Culture* (New Haven: Yale University Press, 1944), 55 бет
7. Frederick Hoffman, *The Twenties: American Writing in the Postwar Decade* (Rev. ed.; New York: Free Press, 1965), 248. бет
8. Olga W. Vickery, *The Novels of William Faulkner: A Critical Interpretation* (Rev. ed.; Baton Rouge: Louisiana State University Press, 1964), 10-11. бетлар

СТИЛИСТИКА ТУШУНЧАСИ ТЎҒРИСИДА НАЗАРИЙ

ҚАРАШЛАР ВА ТАҲЛИЛЛАР

(ўзбек ва француз тиллари мисолида)

Д.Ш.Исломов

БухДУ докторанти

*Тилимизнинг ўн саккиз минг оламдан бойроқ бўлган шундай бир хазинаки,
бир дур-у гавҳари (сўзлари) осмон ёритгичларидан ҳам порлоқ,
ҳар бир гули чаман лолазоридан гўзалроқ.*

Алишер Навоий

Аннотация: Мазкур мақолада стилистика тушунчаси, француз ва ўзбек тиллари фонетикаси, стилистиканинг объектлари, лингвистик ва адабий стилистика, тарихий ва статистик стилистика, таркибий, стилистикага оид масалаларни тўғрисида фикр юритилади. Шунингдек мақолада француз ва ўзбек тиллари фоностилистикасига йўналтирилган фонема, фонология, фоностилистика ва унинг дискурсив-прагматик таҳлилларидаги ўхшаш ва фарқли томонлар мисоллар

Калит сўзлар: стилистика, фоностилистика, фонема, фонология, артикуляция, ономотопея, фонетик эволюция, визуал ҳиссиётлар, психолингвистика, интеллектуал таассурот, омоним, пароним, дифтон, трифтон таҳлилида очиб берилади.

Annotation: This article discusses the concept of stylistics, phonetics of French and Uzbek languages, objects of stylistics, linguistic and literary stylistics, historical and statistical stylistics, composition, stylistics. The article also reveals similarities and differences in phonemes, phonology,



phonostylistics and its discursive-pragmatic analysis, focused on the phonostylistics of the French and Uzbek languages.

Keywords: *stylistics, phonostylistics, phoneme, phonology, articulation, onomatopoeia, phonetic evolution, visual emotions, psycholinguistics, intellectual impression, homonym, paronym, diphthong, trypton*

Ўзбек тилшунос олими Э.Қличев стилистика ҳақида: “*Стилистика* (юн. *stylos* – ёзув, учи ўткир қилинган хат таёқчаси), услубшунослик, услубият – тилшуносликнинг **тил** услубларини тадқиқ этувчи, тилнинг лексикфразеологик, фонетик, морфологик, **сўз ясалиши** ва синтактик сатҳларда **синхрония** ва **диахрония** нуқтаи назаридан функционал қатламланишининг моҳияти ва ўзига хосликларини ўрганувчи, адабий тилни турли лисоний вазиятларда, ёзма адабиётнинг хилма-хил **тур** ва жанрларида, ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида қўллаш меъёрлари ва усулларини тавсифловчи тармоғидир”, дея таъриф беради¹⁴. Дарҳақиқат, стилистикада параллел синонимик тил ифодаларидаги маъновий ва экспрессив нозикликлар, лисоний бирликларнинг ўзаро муносабатдош вариантлари ўрганилади. Машҳур ўзбек тилшунос олими Суюн Каримов ўзининг “Ўзбек тилининг фонетик стилистикаси”¹⁵ деб номланган илмий асарида “Стилистика ва фоностилистиканинг нутқ товушларини тадқиқ этиш ва ўрганиш методлари ҳам бир-бирига мос келгани боис, фоностилистикани стилистика фани таркибида ўрганиш ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан тўғри бўлади” ҳамда “Тилшуносикда товушларнинг стилистик хусусиятлари билан шуғулланувчи соҳаси *товуш стилистикаси, стилистик фонетика, фонетик стилистика, фонологик стилистика, фоника* каби номлар билан аталиб келинмоқда” деган фикрларни илгари сурганлигини кузатиш мумкин. Қолаверса, Суюн Каримовнинг илмий тадқиқотларига мурожаат қиладиган бўлсак, фоностилистикага кўплаб таърифлар берилганлигини гувоҳи бўламиз, шунингдек таърифлар соҳани янада чуқурроқ тушунишимизга қўмаклашади, деб айтсак муболаға бўлмайди.

О.С.Ахманованинг фикрича *фоностилистика* – бу стилистиканинг сўзлар ва сўз бирикмалари талаффуз вариантларининг экспрессив хусусиятларини ўрганувчи бўлидир¹⁶, А.Ҳожиев эса *фоностилистика* тўғрисида «*фоностилистика* услубшуносликнинг нутқ товушларининг тилнинг таъсирчан воситаси бўлиб хизмат қила олиш усуллари ва қонуниятларини ўрганувчи бўлими», тарзида изоҳлайди¹⁷.

Х.Дониёров ва Б.Йўлдошевларнинг «Адабий тил ва бадиий стиль» асарида “фонетик стилистика фақат сўз ва сўз бирикмаларининг талаффуз вариантларининггина эмас, балки сўз маъноларини фарқлаш ва гап, жумла, абзац, бутун бир текст доирасидаги фоноэкспрессив хусусиятларни ҳам текширади” деган илмий қарашлари юқоридаги фикрларга таяниб янада тўлдиради. Масалан:

*Ё раб ул, шахд-у шакар ё лабдурур,
Ё магар шахд-у шакар ёлабдурур*

¹⁴ Э.Қличев – Ўзбек тилининг практик стилистикаси. Тошкент -1985

¹⁵ Суюн Каримов- “Ўзбек тилининг фонетик стилистикаси” монография.

¹⁶ Суюн Каримов- “Ўзбек тилининг фонетик стилистикаси” монография.

¹⁷ Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. Т., 2002.



*Жонима пайваста новак отгали,
Ғамза ўқдин қошига ёлабдурур.*

Юқорида келтирилган Мир Алишер Навоийнинг туюқи Э.Қиличевнинг “Ўзбек тилининг практик стилистикаси” номли ўқув қўлланмасида омонимларнинг стилистик таҳлили кенг очиб берилган¹⁸. Яъни биринчи қатордаги “ё лабдурур” сўзи “лабмикан” яъни бир гўзалнинг лаби тасвирланмоқда. Иккинчи қатордаги “ёлабдурур” сўзи “яланган” яъни “яламоқ” содда туб феълдир. Тўртинчи қатордаги “ёлабдурур” сўзи эса “ўқламоқ” ясама феъл маъноларида юқори дид ва маҳорат билан қўлланилганлиги яққол кўриниб турибди. Машҳур ўзбек шоирининг бу туюғида бир сўзнинг уч хил маънода ишлатилишида ва маъноларнинг тингловчига тўғри етиб боришида фонетика, фоностилстика ва психолингвистикаларнинг роли беқиёслигини англаш ва тушуниш мумкин.

*Чархи кажрафтор элидин ёзамен,
Чиқмадим ҳижрон қишиндин ёза мен.
Бир мени ёрлиқ била ёд этмас ул,
Ҳар неча ул шаҳга қуллуқ ёзамен.*

Ушбу мисолдаги биринчи қатордаги “ёзамен” сўзи “ёзмоқ” маъносида, иккинчи қатордаги “ёза мен” сўзи ёз фасли маъносида, тўртинчи қатордаги “ёзамен” сўзи эса “қуллуқ қилмоқ, бўйин эгмоқ” маъноларида қўлланилган.

Шу ўринда хулоса қилиб айтадиган бўлсак юқорида келтирилган мисолларда Х.Дониёров ва Б. Йўлдошевларнинг илмий қарашлари ва назарияларига тўлиқ мос келади, биз уларнинг қарашларига ҳамфикрмиз, чунки бир сўзнинг бир, икки уч ёки ундан ортиқ хил маъноларда келиши ва қўлланилишида ва семаларнинг тингловчига тўғридан-тўғри, аниқ ва тушунарли етиб боришида фонетика, фонология, фоностилстика, психолингвистика, когнитив тингвистика ўринли аҳамият касб этади.

Ш.Балли¹⁹ фонетикада ифодали ва рамзий талаффузларни таҳлил қилади, Граммон, асосан, шеърятда қўлланиладиган оғзаки услубнинг (француз мисралари мисолида) экспрессив жараёнларини ўрганиб ўз назарий қарашларини беради. Граммонт²⁰ ўзининг “Умумий фонетика тўғрисида” рисолида у таъсирчан фонетикага кўрсатма беради, биринчи навбатда артикуляция ва ритмни тавсифлайди.

Европа олимларидан француз социологи Натали Эйниш социологияни лингвистика билан ўзаро боғлиқлигини таъкидлаб, стилистикани адабий социологиясини икки томонлама редуционизм бўлиши мумкинлигини айтади: “Биринчидан, матнлар оғзаки нутқдаги ҳеч қандай таъсир кўрсатмайдиган мулоҳазаларни эътиборсиз қолдирганлиги билан боғлиқ бўлиши мумкин, албатта бунда услубдан эҳтиёт бўлиш лозим; иккинчидан шундан келиб чиққан ҳолда, социологик нуқтаи назар ҳар доим тушунтириш хавфи остида бўлиб ва фақат операцион мантикий

¹⁸ Э.Қиличев - “Ўзбек тилининг практик стилистикаси” ўқув қўлланма. Т-1985(276)

¹⁹ Федоров В.А. Теоретическая фонетика французского языка. Учебно-методическое пособие для вузов. Издательско-полиграфический центр Воронежского государственного университета, 2008. –С.45

²⁰ Федоров В.А. Теоретическая фонетика французского языка. Учебно-методическое пособие для вузов. Издательско-полиграфический центр Воронежского государственного университета, 2008. –С.46



ва мутлақо бошқача ривожланишга эга бўлган маълумотлар ўртасида сохталаштирилмайдиган корреляцияларни ўрнатиши мумкин”²¹.

Маълумотларга ва таҳлилларга таянган ҳолда фоностилистика, биринчи навбатда, *психоллингвистика* билан чамбарчас боғлиқ деб айта оламиз, чунки, оғзаки нутқ маълум маънода психологик жараён ҳисобланади ва нутқ ижро этилаётган муҳит индивидуалда қанчалик руҳий таъсир кўрсатса, унинг бу ҳолати нутқ мазмунининг тингловчиларга етиб боришига ҳам шунчалик таъсир кўрсатади, шу билан бирга фонетика ва фоностилистика уйғунлашади.

Француз тили фонетикасидан келиб чиқиб шуни айтиш лозимки, француз тили ёки адабиётида туюқ жанри ўрнида кўп ҳолатларда омонимлар орқали ифодаланиши, асл маъносини англашда омонимлар қўлланиши мумкин. Француз тилида омонимлар деб талафузи бир хил, маънолари ҳар хил бўлган сўзларга нисбатан айтилади. Масалан:

Il y a le vert du cerfeuil
Et il y a le ver de terre.
Il y a l'endroit et l'envers,
L'amoureux qui écrit en vers,
Le verre d'eau plein de lumière,
La fine pantoufle de vair
Et il y a moi, tête en l'air,
Qui dis toujours tout de travers (Maurice Carême).

Юқоридаги мисол таҳлилида талафузи бир хил, маънолари ҳар хил бўлган омоним сўзлар берилганлигини кўрамиз. Француз тилида *vert* (яшил), *ver* (қурт), *envers* (остин-устун, тескари), *vers*(томон), *verre* (стакан), *travers*(орқали) каби талафузи бир хил аммо маънолари турли-туман бўлган сўзлар кўп учрайди.

Ва яна шуни айтиш мумкинки, француз тилида омонимлардан кўп ҳолларда турли хилдаги сўз ўйинларида ишлатилади. Омонимлар ҳар бир инсонни ёки тингловчини чуқур фикр юритишга, ҳар томонлама ўйлашга ундайди. Бир шаклдаги сўзларнинг маъносини ўйлаб топишга мажбур қилади. Худди Морис Карем сингари кўпинча талабалар омонимлардан фойдаланган ҳолда ўзларининг шеърларини кашф қилишади.

Il y a le maître de l'école.
Le verbe mettre.
Il y a le mètre et le centimètre et le kilomètre.
Le mètre qui mesure.
Il y a le verbe remettre.
Il y a le verbe admettre.
Lou et Aram

Ушбу мисолларда ҳам *maître* (ўқитувчи мактабда), *mettre* (қўймоқ, 3-гуруҳ феъли), *mètre*(метр, ўлчовчи), *centimètre*(см, ўлчов бирлиги), *kilomètre*(км, ўлчов бирлиги), *remettre* (қайта қўймоқ, 3-гуруҳ феъли), *admettre* (тан олмақ, 3-гуруҳ феъли сингари сўзлар ва сўз бирикмалар бир хил талафуз қилинсада шаклан ва маъноси жиҳатидан фарқланади.

Барча мисолларнинг таҳлил натижаларига кўра хулоса қилган ҳолда айтиш жоизки, стилистика, фоностилистика, фонетика ва фонология тилшуносликнинг тил

²¹ Nathalie Heinich Sociologie de l'art. Paris: Editions La Découverte, 2001, – P. 19-37.



услугларини тадқиқ этувчи, тилнинг фонетик, сўз ясалиши ва синтактик сатҳларда синхрония ва диахрония нуқтаи назаридан функционал катламланишининг моҳияти ва ўзига хосликларини ўрганиш ётади. Тил-анъанавий белгилар тизими, асос бўлиб, унинг ёрдамида маълумотлар ва хабарлар узатилади, десак муболаға бўлмайди. Бу маълумотлар ва хабарлар икки кенг тоифага таснифланади ва бир неча вазифалари бўлиши мумкин. Биринчидан, фонологик ёки фонематик, иккинчидан, фоностилистикдир. Биринчи категория вакиллик функциясига – Тробицкой (1939) терминологиясига кўра – ўзига хос, Андре Мартинет (1960) га кўра ёки Роман Жакобсон (1963) га кўра референциал қисқаради. Бу функция моҳиятан товуш шаклига, фонематик ёки просодикага оид бўлиб, оппозицион қийматга эга бўлган муносабатлар мажмуи-фердинанд Де Соссюр атамасидан фойдаланиш саналади, фоностилистик, оғзаки тилининг артикуляцияси томонидан таъминланади. Андре Класс (1963) томонидан тасвирланган силбо-гомеро каби хуштакланган тил деярли тўртта фонемага ва сюжетли кесимга туширилган тил деярли ҳеч қандай ифодали имкониятни тақдим этмайди. Шу каби қарашларни кузатиш тилшуносларни ўзига хос функциянинг аҳамиятини ортиқча баҳолашга олиб келган бўлиши мумкин. Маълумотлар шунинг кўрсатадики, стилистиканинг туғилиши Швецариялик тилшунос олим Шарль Балли номи билан чамбарчас боғлиқдир. “*Traite stylistique française*”, “*Précis de stylistique française*”²² каби асарларида у лингвистик интизом сифатида ўйланган стилистика асосларини яратади.

Шарль Баллининг “... стилистика уюшган тилнинг экспрессион хусусиятларини уларнинг таъсирчан мазмуни нуқтаи назаридан ўрганади, яъни сезгирлик фактларини тил орқали ифодалаш ва тил фактларининг ҳаракати кузатади” деган фикри бу фанга берган баҳонинг нақадар юқори эканлигини кўрсатиб бўлади. Сезгирлик тўғрисида эса олим “Тилда ҳар қандай ноя таъсирчан вазиятда амалга оширилиш” мумкинлигини таъкидлайди. Бу Шарль Балли услубининг объекти бўлган тилнинг таъсирчан мазмунидир. Бу сўзнинг эмас, балки тилнинг услубидир деган фикрларни илгари сурган.

Бундан ташқари фонетика ва фоностилистика доирасида илмий изланишлар олиб бориб, қатор тадқиқотлар яратган Ф.Гадет, Ж.Гардес-Тамин, Г.Молини ва бошқа олимларнинг илмий асарлари ва илмий-назарий фикрларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Стилистика объектларига келсак, фикрни ҳар қандай экстеризациялаш, хоҳ нутқ орқали бўлсин, хоҳ ёзиш орқали, мулоқот бўлиб, бу нутқ мавзусининг эмитентлик фаолияти ва қабул қилувчининг қабул қилиш фаолияти ҳисобланади. Ушбу алоқа объектив, мутлақо интеллектуал бўлиши мумкин ва ҳақиқат борлигини қайд этиш билан чекланиб қолиши ҳам кузатилади.

Француз тили фонетикасига назар ташлар эканмиз, француз тилида Граммонт фонемаларни артикуляция нуқтасига кўра таснифлайди. Унлилар очик ва ёпиқ унлилар билан бир хил тоифага кирувчи бурун товуши унлиларига бўлинади. Ундошлар жарангсиз ёки жаранглиларга бўлинади.

Биламизки, мулоқотда максимал самарадорликни таъминлаш учун тилнинг барча соҳаларида қилган танловини изоҳлашдир. Кўп ҳолатлар мавжудки, бу ифода фикрнинг орқасида, ярим тонда ва жуда эҳтиёткор тақлиф оҳангида қолади. Ўзингизни

²² Чарльз Балли-“*Traite stylistique française*”, “*Précis de stylistique française*”.



экспрессивлик нарса эмас, балки мураккаб ва ўзгарувчан маълумотларнинг натижаси эканлигига ишонтириш учун узоқ ўйлашингиз шарт эмас бўлиб қўлади.

Маълумки, озми-кўпми онгли равишда маълум бир луғат билан боғлиқ бўлган, гапнинг маълум бир оғзаки нутқда, маълум бир артикуляция билан, маълум бир интонация билан боғлиқ бўлган сифатли ва миқдорий нуансдан фойдаланамиз. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, тилнинг умумий тизими бизга тақдим этган материалда биз нафақат ўзимиз ушбу тизимни англаганлигимиз асосида, балки шундай деб ўйлаган тушунчамиз асосида ҳам танлов қиламиз. Шунинг учун стилистик факт бир вақтнинг ўзида лингвистик, психологик ва ижтимоий тартибда бўлишини кузатамиз.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, тилшуносликнинг фонетика ва стилистика соҳалари кесишувида шакланган фоностилистика нутқ товушларининг жиҳатларини ўрганиш алоҳида аҳамиятни эътиборни талаб қилади. Ундан ташқари ўзбек тилидаги битта сўзнинг ҳар хил маъноларда келиши контекст ва урғуларнинг қўйилишига боғлиқ бўлганидек, француз тилида талафузи бир хил, маънолари ҳар хил бўлган омоним сўзлар кўп қўлланилишини, ўзбек тилидан фарқли ўлароқ француз тилида бу вазифани омоним, пароним, дифтон ва трифтонлар бажаришини кузатиш мумкин.

Адабиётлар

1. Суюн Каримов. Ўзбек тилининг фонетик стилистикаси. Самарқанд 2016.
2. D.Sh.Islomov. (2021). The Definition of The Concepts of «Phoneme» and «Phonostylistics». Middle European Scientific Bulletin, 9. <https://doi.org/10.47494/mesb.2021.9.204>
3. D.Sh.Islomov. (2021). Phonetics and Phonology. Middle European Scientific Bulletin, 11. Retrieved from <https://cejsr.academicjournal.io/index.php/journal/article/view/470>
4. Islomov, D. (2021). The role of phonostylistic units and phonemes in the process of teaching french to adults in the analysis of examples. Конференции, 1(1). <https://doi.org/10.47100/conferences.v1i1.971>
5. Islomov, D.Sh, and G.A Jahongirova. "The role of phonostylistics and phonostylistic units in teaching french at higher education institutions." E-Conference Globe. 2021.
6. Д.Ш Исломов. "Поэтические формы как культуроведческий компонент при обучении иностранному языку". Статьи в Академии Наука. Мысль: электронный периодический журнал, 2015. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/poeticheskie-formy-kak-kulturovedcheskiy-komponent-pri-obuchenii-inostrannomu-yazyku> (дата обращения: 13.03.2021).
7. Islomov, D. (2021). Жизнь Абдуллы Кадири и его вклад в узбекскую литературу. *центр научных публикаций (buxdu.Uz)*, 6(2). извлечено от http://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/561
8. Islomov, D. (2021). Фонема ва фоностилистика научно-теоретические взгляды на понятия фонемы и фоностилистики. *центр научных публикаций (buxdu.Uz)*, 1(1). извлечено от http://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/560.
9. D Islomov - Section: Cultural science modern scientific research, 2019.
10. Islomov, D. (2022). Француз тили фонетикаси Француз тили фонетикасининг ўзига хос жиҳатлари: Француз тили фонетикасининг ўзига хос жиҳатлари. *Центр научных*



публикаций (buxdu.Uz), 8(8). извлечено от
http://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/4108.
11. . Ramazonovna T. S. On binary structured speech products in french //Asian Journal of Multidimensional Research. – 2021. – Т. 10. – №. 10. – С. 381-386.

ЖАҲОН ТИЛШУНОСЛИГИДА МАИШИЙ ЛЕКСИКА (ИДИШ-ТОВОҚ ВА ОШХОНА АНЖОМЛАРИ ТЕМАТИК ГУРУҲИ)НИНГ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИДАН

Уралова Ш.Ш

Термиз давлат университети
Педагогика институти магистранти

Резюме. Мазкур мақолада жаҳон тилшунослигида маиший лексика (идиш-товоқ ва ошхона анжомлари тематик гуруҳи)нинг ўрганилиши тарихи, ушбу туркумдаги лексемаларнинг аниқ йўналишларда тадқиқ этилаётганлиги, бу соҳада шугулланувчи дунё тилшуносларининг илмий ишлари таҳлили, уларнинг ҳар хил нуқтаи назарларини ўрганиш ҳақида фикр боради.

Калит сўзлар. Тил, диалект, лексика, маиший лексика, тематик гуруҳ, идиш номлари, ошхона анжомлари номлари, ёзма ёдгорликлар, қардош тиллар, ноқардош тиллар.

ИЗ ИСТОРИИ ИЗУЧЕНИЯ БЫТОВОЙ ЛЕКСИКИ (ТЕМАТИЧЕСКАЯ ГРУППА ПОСУДЫ И КУХОННОЙ УТВАРИ) В МИРОВОМ ЯЗЫКОЗНАНИИ

Уралова Ш.Ш

Магистрант Педагогического института Термезского государственного университета

Резюме. В данной статье рассматриваются история изучения бытовой лексики (тематическая группа посуды и кухонной утвари) в мировом языкознании, изучение лексем данной группы по конкретным направлениям, анализ научных работ лингвистов мира в данной области, изучение различных их точек зрения.

Ключевые слова. Язык, диалект, лексика, бытовая лексика, тематическая группа, названия блюд, названия кухонной утвари, памятники письменности, родственные языки, неродственные языки.

IN THE WORLD LINGUISTICSTHE HISTORY OF THE STUDY OF HOUSEHOLD VOCABULARY (THEMATIC GROUP OF TABLEWARE AND KITCHEN UTENSILS).

Uralova Sh.Sh.

Master of Pedagogical Institute of Termez State University

Resume. This article discusses the history of the study of household vocabulary (thematic group of tableware and kitchen utensils) in world linguistics, the study of lexemes in this category in specific areas, the analysis of scientific works of world linguists in this field, the study of their various perspectives.

Keywords: Language, dialect, vocabulary, household vocabulary, thematic group, names of dishes, names of kitchen utensils, written monuments, family languages, non-native languages.



57	J. Oruell va N. Eshonqul romanlarida tipologik o'xshashliklarning o'ziga xos jihatlari Musayeva D.T	288
58	Буюк британия миллий қадриятларида миллий таомлар Ostonova S.N	293
59	Zulfiyaxonim – mehr-muhabbat va sadoqat timsoli Qambarova N.I	298
60	Evfemizatsiya, ortofemizatsiya va disfemizatsiya voqelanishining kontekstual-situativ va sotsio-kommunikativ tamoyillari Rabieva M.G'	301
61	Диний-маърифий шеърларнинг жанр хусусиятлари Раимова С.З	306
62	Etimology, category of toponyms Ismatova N.M	312
63	Uzluksiz ta'lim tizimida chet tillarni o'qitishda sifat va samaradorligini oshirish - davr talabi Shahzodahon G'.U., Umirzakov Q.T	316
64	Idiostil va uning lingvistik belgi-xususiyatlari Zulayroyeva G.U	324
65	Антропонимлар асосида ҳосил қилинган бренд номларининг этимологик ва лингвокультурологик тадқиқи Аҳмадалиева С.М	328
66	Стратегия правописание письма Бахронова З.Р., Расулова М.И	333
67	Nemis va o'zbek tillarida arxitektura teminlarning leksikografik tasnifi To'laganova D.Q	337
68	“Шовқин ва Ғазаб” романидаги образлар талқини Жумаева Н.Ғ	341
69	Стилистика тушунчаси тўғрисида назарий қарашлар ва таҳлиллار (Ўзбек ва француз тиллари мисолида) Исломов Д.Ш	346
70	Жаҳон тилшунослигида маиший лексика (идиш-товоқ ва ошхона анжомлари тематик гуруҳи)нинг ўрганилиш тарихидан Уралова Ш.Ш	352
71	Онтологик таҳлилдаги лирик субъект Йўлчиев Қ.В	360
72	Бой ва камбағал тушунчалари ижтимоий мансубликнинг бир тури сифатида Атаджанова Н.Н	366
73	Ўзбек тилшунослигида мураккаб синтактик бутунликлар масаласининг ёритилишига доир Мамажонов А., Бакирова Э.А	374